

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХУДОЙБЕРГАНОВ АЗИЗБЕК РЎЗБАЕВИЧ

**КЎРУВ АЪЗОСИ ЖАРОҲАТЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Худойберганов Азизбек Рўзбаевич

Кўрув аъзоси жароҳатлари профилактикасини такомиллаштириш 3

Худойберганов Азизбек Рўзбаевич

Совершенствование профилактики повреждений органа зрения 29

Khudoyberganov Azizbek Ruzbaevich

Improving the prevention of damage to the organ of vision 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 61

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ
МИКРОХИРУРГИЯСИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

ХУДОЙБЕРГАНОВ АЗИЗБЕК РЎЗБАЕВИЧ

**КЎРУВ АЪЗОСИ ЖАРОҲАТЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.08 – Офтальмология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Tib2437 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.eyecenter.uz), «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-саҳифаларида (www.uza.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар	Камилов Халиджан Махамаджанович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Джумагулов Олжобай Джумакадырович тиббиёт фанлари доктори, профессор (Қирғизистон Республикаси) Бузруков Батир Тулкунович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	“ELC” кўз касалхонаси (Жанубий Корея, Сеул)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.04/30.01.2020.Tib.105.01 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____, соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34, 217-45-63, 217-32-28; факс: (+99871) 217-49-37; e-mail: eyecenter@inbox.ru).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100173, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 14 уй. Тел.: (+99871) 217-49-34, 217-45-63, 217-32-28.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ф. Юсупов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.А. Джамалова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х. Каримова
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) кўрликни олдини олиш дастурига кўра, «...дунё бўйлаб камида 2,2 миллиард одам кўриш қобиляти бузилишининг қандайдир кўринишидан азият чекади ва улардан ўртача 1 миллиард беморда олдини олиш мумкин бўлган сабаблар ҳисобига касаллик ривожланган»¹. Кўрув аъзосининг жароҳатлари кўпинча кўриш қобилятининг бузилишига олиб келади, у бутун дунё бўйлаб кўз касалхоналарига мурожаатларнинг аксарият қисмини ташкил этиб, кўз жароҳати билан беморлар дастлабки ташрифларининг 25% гача қисми шох парданинг шикастланишларидан иборат, шох парда касалликлари ва шикастланишларининг оқибатлари 50% гача ҳолатларда кўришнинг доимий пасайиши ва кўрликни келтириб чиқаради. Шох парданинг шикастланишлари кўпинча меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли орасида учраши туфайли, ушбу касалликларни олдини олиш нафақат тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Замонавий офтальмологиянинг ютуқларига қарамасдан, кўрув аъзосининг шикастланиши ўзининг кенг тарқалганлиги, клиник белгиларининг аниқ полиморфизми, даволашнинг ўзига ҳос мураккаблиги ва клиник-функционал оқибатларининг жиддийлиги билан аҳамиятга эга муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ушбу патологияларни чуқур ўрганиш, олдини олиш, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Жаҳонда кўрув аъзоси жароҳатлари туфайли бирламчи ногиронлик кўришдан ногиронлик таркибида 22,8% ни ташкил қилади. Ушбу кўрув аъзоси жароҳатларини олдини олиш, хусусан уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишни такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Шох парданинг ёт жисмлардан шикастланишларини олдини олишнинг асосий қисмини меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва кўзни ҳимоя қилувчи шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ташкил этади. Шунга кўра, кўзнинг шикастланишини олдини олиш, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир. Кўрув аъзоси жароҳатларининг олдини олиш усулларини такомиллаштириш, шунингдек ташхислаш ва даволаш ҳамда асоратлар юзага келишини бартараф этишга замонавий ёндашиш кўзнинг шикастланиши ҳамда уларнинг оқибатлари натижасида заиф кўришни камайтиришга йўналтирилган комплекс ёндашувларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда кенг қамровли дастурий тадбирлар орқали тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳолининг турли қатламлари орасида кўз касалликларини эрта аниқлаш ва даволашга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу борада «...касалликларни жойларда барвақт аниқлаш, профилактик чора-

¹ Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маърузаси: «Кўрлик ва кўришнинг бузилиши». 10.08.2023 й. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/blindness-and-visual-impairment>.

тадбирларни амалга ошириш, диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, касалликлар регистрини яратиш, илмий тадқиқотларни олиб бориш ва амалиётга татбиқ этиш...»² каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалар кўз касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, хусусан, кўрув аъзоси жароҳатларини профилактикаси ва даволашига янги ёндашиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўришдан ногиронлик ногиронлик сабабларини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2021 йил 5 майдаги ПФ-6221-сон «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон илмий адабиётларнинг кўплаб тадқиқотлари маълумотлари, жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг кўрликни олдини олиш дастурига кўра кўрув аъзоси жароҳатлари ва унинг асоратлари натижасида иккала кўзи ҳам кўрларнинг умумий сони 1,6 миллионни ташкил этади, 2,3 миллионга яқин киши кўриш қобилияти пастлигидан азият чекади, яна 19 миллион кишининг эса бир кўзи кўрмайди (Negrel A.D. ва Thylefors B., 2018). Россиялик муаллифларнинг тадқиқотларига кўра Россия Федерациясида кўрув аъзоси жароҳатлари ҳар 100000 катта аҳолига 1145 нафарни ташкил этиб, беморларнинг ёш ва жинс таркиби бўйича деярли ўзгаришсиз қолмоқда. Шунингдек, кўз касалликлари учун мўлжалланган шифохоналар ётоқ сифимининг 32% гача қисмини кўрув аъзоси жароҳатлари билан оғриган беморлар эгаллайди (Гундорова Р.А.,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги 5124-сонли «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори // www.lex.uz.

Нероев В.В. ва Кашников В.В., 2014). Аммо ушбу жароҳатларни тиббий профилактика мезонлари етарлича ўрганилмаган.

Илмий адабиётларда кўрув аъзоси жароҳатларининг касбга боғлиқ учраш даражаси турлича бўлиб, асосан ишлаб чиқариш, саноат, тоғ-кон саноати ва техник хизмат кўрсатишда учрайди (Almoosa A., Asal A., Atif M. ва Ayachit S., 2017), ишлаб чиқаришда олинган кўрув аъзоси жароҳатлари бўлганлар жами кўз жароҳатлари билан касалхонага ётқизилганларнинг 30% ини ташкил этди (Кузнецов С.Л., Шалдыбина О.В., Галеев Р.С. ва Шурупова Н.Б., 2016). Испанияда ҳам кўрув аъзоси жароҳатларининг учраш даражаси юқори кўрсаткичларда бўлиб, беморларнинг асосий қисмини 35-44 ёшдаги меҳнатга лаёқатли эркеклар ташкил қилди (Martin-Prieto S., Alvarez-Peregrina C., Thuissard-Vassallo I., Catalina-Romero C., 2021). Янги Зеландияда ҳам кўз жароҳатлари частотаси юқори бўлиб, 100000 аҳолига 1007 ни ташкил этди, уларнинг 76,1% қисми эркеклар ва 21,1% 20-29 ёшдагилардир, асосан қишлоқ аҳолисида ҳамда 48,4% уй шароитида жароҳат олиш ҳолатлари учради (Wallace H.B., Ferguson R.A., Sung J. ва McKelvie J., 2020). Кўрув аъзоси жароҳатларининг функционал ва анатомик натижалари кўп жиҳатдан беморнинг жароҳат олгандан кейин ихтисослашган офтальмологик ёрдамга мурожаат қилиш вақтига боғлиқ бўлиб, 70-84% гача ҳолатларда беморларнинг жароҳатдан кейин биринчи суткада ихтисослашган офтальмологик ёрдамга мурожаат қилиши кузатилди (Каримова Д.Ю., Иванов С.В. ва Лившиц С.А., 2014). XX асрнинг охирида янги замонавий тиббиёт ускуналарининг яратилиши турли хил касалликларни ташхислаш ва даволашда ютуқ бўлди, ушбу технологияларни кўрув аъзоси жароҳатларида татбиқ қилиш эса кўз жароҳатлари ҳамда унинг оқибатлари натижасида ногиронликни сезиларли камайтиришга ёрдам беради. Айни пайтда адабиётда ушбу муаммо ечими бўйича наслар етарли эмас.

Ўзбекистонда кўрув аъзоси жароҳатлари бўйича қатор, жумладан қуйидаги илмий тадқиқотлар амалга оширилган: Ўзбекистон саноат корхоналарида кўрув аъзоси шикастланишининг клиник тавсифи ва уларнинг олдини олиш (Комилов М.К., 1970), конъюнктива остига қон қуйилиш билан мураккаблашган оғир кўз контузияси (Исламов З.С., 1990), кўз олмаси тўмтоқ жароҳатларида даволаш жараёнини бошқариш ва башорат қилиш (Назаров О.З., 1999), кўзнинг қуйишида ташхислаш, фотодинамик терапияли комплекс даволаш, профилактика ва башорат қилинишига комплекс ёндашув (Одилова Г.Р., 2010; Максудова Л.М., 2021; Оралов Б.А., 2022), кўзнинг тешиб кирган жароҳатларини жарроҳлик усулида даволашни оптималлаштириш, даволашда плёнкали биоқопламаларнинг қўлланилишини морфологик асослаш, даволаш самарадорлигини ошириш, кўзнинг ҳамкор жароҳатлари (Вахабова Н.Т., 2003; Дадамухамедова Ш.М., 2009; Агзамова С.С., 2021; Ниязова З.А., 2021; Икрамов О.И., 2021) каби муаммолар ўрганилган. Аммо кўрув аъзоси жароҳатлари, айниқса механик жароҳатларни юзага келтирувчи сабабларни аниқлаш, уларни ташхислаш ва даволашга замонавий технологияларни татбиқ қилиш, офтальмотравматологиянинг

бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикасига комплекс ёндашувни илмий асослашга қаратилган илмий ишлар бажарилмаган.

Юқоридагиларни эътиборга олиб, кўрув аъзоси жароҳатларига олиб келувчи сабаблар ва хавф омилларини аниқлаш, кўз шикастланиши юзага келишини олдини олиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашиш, турли асоратларини бартараф қилиш ҳамда кўз жароҳатлари натижасида юзага келувчи ногиронликларни камайтириш, шунингдек бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика чораларини ишлаб чиқиш масаласи офтальмологияда долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқотлар иш режасига мувофиқ «Касалликларни ташхислаш, даволаш ва уларни олдини олишнинг замонавий технологиялари» мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўз олмасини тешиб ўтмаган жароҳатларнинг сабаблари ва клиник хусусиятларини ўрганиш асосида тиббий-профилактика ёрдами даражасини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон Республикасида кўрув аъзоси жароҳатларининг тарқалиши, структурасини ўрганиш, уларни юзага келтирувчи сабабларни таҳлил қилиш ҳамда бирламчи профилактика чораларини баҳолаш;

кўрув аъзоси жароҳатлари иккиламчи профилактикаси, жумладан шох парданинг механик жароҳатлари билан беморларни ташхислашда олдинги сегмент оптик когерент томография усулининг самарадорлигини баҳолаш;

шох парданинг жароҳатдан кейинги касалликлари учламчи профилактикасида анъанавий консерватив даволашга қўшимча паст частотали магнит майдондан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиб баҳолаш;

олинган натижаларга асосланиб кўрув аъзоси жароҳатларини ташхислаш ва даволашга комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида 2018-2023 йиллар давомида кўрув аъзоси жароҳатлари билан текширилган ва даволанган 675 нафар бемор (696 та кўз) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўрув аъзоси жароҳатлари билан беморларнинг кўриш ўткирлиги, шох пардадаги ёт жисм ва унинг чуқурлиги ўлчами, инфилтрат ўлчами, шох парда яраси ҳажми кўрсаткичлари ва олдинги сегмент оптик когерент томография натижалари олинган.

Тадқиқот усуллари: қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун клиник ва умумофтальмологик (визометрия, биомикроскопия, офтальмоскопия), махсус тадқиқот усуллари (олдинги сегмент оптик когерент томографияси – AS-OCT) ҳамда тадқиқотларнинг статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кўрув аъзоси жароҳатларининг орасида кўз олмасининг жароҳатлари тешиб ўтмаган ва тешиб ўтган бўлиши, сабабларига кўра маиший турмуш, саноат-ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва транспортда учраши, энг кўп учрагани шох пардани тешиб ўтмаган ёт жисмли жароҳат натижасида кузатиладиган патологик ўзгаришлар аниқланган;

илк бор шох пардани тешиб ўтмаган ёт жисмли жароҳатнинг бирламчи профилактикасида химоя кўзойнакларидан фойдаланиш кўрсаткичи ва уларнинг жароҳатдаги ўрни, кўзойнак ойнасининг терлаши, тирналиши, хираланишининг кўриш ўткирлиги ва майдонига таъсири, иш самарадорлигининг пасайишига олиб келиши исботланган;

шох пардани тешиб ўтмаган жароҳатнинг иккиламчи профилактикасида кўз биомикроскопияси ва оптик когерент томография усулларининг натижа кўрсаткичлари қиёсий таққосланган, жароҳатларни ташхислашдаги сезувчанлиги ва ўзига ҳослиги олдинги сегмент оптик когерент томография усулини юқори самарадорлигини исботлаган;

шох пардани тешиб ўтмаган ёт жисмли жароҳатнинг учламчи профилактикасида магнитотерапия усулининг анъанавий даволашга қўшилиши шох пардадаги яраларнинг эпителизация вақтини қисқартириши, яллиғланишнинг тез бартараф этилиши туфайли кўриш ўткирлигининг яхшиланиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўрув аъзоси жароҳатларидан шох парданинг шикастланишини юзага келтирувчи сабаблар аниқланиб, ушбу сабабларни бартараф қилиш мезонлари ишлаб чиқилган;

шох парда ёт жисми билан кечикиб мурожаат қилинган ҳолатларда олдинги сегмент оптик когерент томографиядан фойдаланган ҳолда ташхислаш ёндашуви ишлаб чиқилган;

шох парданинг механик шикастланишдан келиб чиққан касалликларини даволаш ёндашуви ишлаб чиқилган;

кўрув аъзоси жароҳатларининг асоратларини камайтиришнинг тиббий ва ижтимоий муаммосини ҳал қилишга катта ҳисса қўшиш имконини берувчи комплекс ташхислаш ҳамда даволаш ёндашуви ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда рақамли, замонавий, бир-бирини тўлдирувчи, офтальмологик, тиббий-ижтимоий ва статистик усулларнинг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий далиллари халқаро ҳамда маҳаллий муаллифларнинг тажрибалари билан таққосланганлиги, шунингдек олинган натижалар ҳамда хулосанинг тегишли ваколатга эга ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кўрув аъзоси жароҳатларини бирламчи

профилактика чораларидан кўзни ҳимоя қилувчи шахсий ҳимоя воситалари ва улардан фойдаланишни оптималлаштиришни талаб қилиши, шох парданинг ёт жисм билан механик шикастланиши ҳамда унинг оқибатлари кузатилган беморларни ташхислашда олдинги сегмент оптик когерент томографиядан, даволашда паст частотали магнит майдонидан фойдаланиб замонавий ва самарали ёндашувларни ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўзни ҳимоя қилувчи шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш орқали кўрув аъзоси жароҳатларининг бирламчи профилактикасига эришилганлиги, шох парданинг ёт жисм билан механик шикастланиши мавжуд беморларни олиб бориш ёндашуви ва мажмуавий ташхислаш ҳамда даволашга олдинги сегмент оптик когерент томография, паст частотали магнит майдони усулларининг татбиқ қилинганлиги, ишлаб чиқилган комплекс ёндашувнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўрув аъзоси жароҳатларини олдини олиш ва шох пардани ёт жисм билан механик шикастланиши мавжуд беморларни ташхислаш ҳамда даволашга комплекс ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/26-сонли хулосаси):

биринчи илмий янгилик: кўрув аъзоси жароҳатларининг орасида кўз олмасининг жароҳатлари тешиб ўтмаган ва тешиб ўтган бўлиши, сабабларига кўра маиший турмуш, саноат-ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги ва транспортда учраши, энг кўп учрагани шох пардани тешиб ўтмаган ёт жисмли жароҳат натижасида кузатиладиган патологик ўзгаришлар аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур натижалар «Шох парданинг посттравматик эрозиясини даволаш ва профилактика алгоритми» (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан тасдиқланди, 03н-р/33-сон, 30.03.2024 й.) ва «Кўзнинг олдинги қисми жароҳатларини ташхислаш ва мониторинг қилишда оптик когерент томографиянинг роли» (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан тасдиқланди, 03н-р/34-сон, 30.03.2024 й.) номли услубий тавсияномалар таркибига киритилган. *Жорий этилиши:* амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (буйруқ №31-У, 01.04.2024 й.) ва Хоразм филиали (буйруқ №69-І, 01.06.2024 й.) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* шох пардани тешиб ўтмаган жароҳатларни олдини олишга мультиқиррали ёндашув беморлар сонини камайтириш ва вақтинчалик ишга лаёқатсизлик муддати давомийлигини қисқартириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* бу мультиқиррали ёндашув давлатга шох пардани ёт жисм билан жароҳатли беморларни ташхислаш ҳамда даволаш харажатларини сезиларли даражада

камайтириш ва келажакда ногиронлик ҳолатларини олдини олиш имконини берган. Даволаш ва беморни кузатиш харажатлари ўртача 1768400 сўмни ташкил қилган. Беморларни комплекс даволаш усулини жорий этиш харажатларни 26-30% га камайтириши мумкин. *Хулоса:* шох пардани ёт жисм билан жароҳатларида бирламчи, иккиламчи ва учламчи тиббий профилактика ёрдами даражасини такомиллаштирувчи мультиқиррали ёндашув жароҳатларнинг олдини олиб, ташхислаш ва даволашда ижобий терапевтик таъсир кўрсатиб, кўзнинг клиник ва функционал кўрсаткичларини яхшилаб, асоратларни олдини олиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: илк бор шох пардани тешиб ўтмаган ёт жисмли жароҳатнинг бирламчи профилактикасида химоя кўзойнакларидан фойдаланиш кўрсаткичи ва уларнинг жароҳатдаги ўрни, кўзойнак ойнасининг терлаши, тирналиши, хираланишининг кўриш ўткирлиги ва майдонига таъсири, иш самарадорлигининг пасайишига олиб келиши исботланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур натижалар «Шох парданинг постравматик эрозиясини даволаш ва профилактика алгоритми» (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан тасдиқланди, 03н-р/33-сон, 30.03.2024 й.) ва «Кўзнинг олдинги қисми жароҳатларини ташхислаш ва мониторинг қилишда оптик когерент томографиянинг роли» (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан тасдиқланди, 03н-р/34-сон, 30.03.2024 й.) номли услубий тавсияномалар таркибига киритилган. *Жорий этилиши:* амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (буйруқ №31-У, 01.04.2024 й.) ва Хоразм филиали (буйруқ №69-І, 01.06.2024 й.) амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* кўзни химоя қилувчи шахсий химоя воситаси бўлган поликарбонат линзали очик типдаги химоя кўзойнақдан фойдаланиш кўриш қобиляти ва ҳаёт сифатини пасайишига олиб келадиган шох пардани ёт жисм билан механик шикастланишларини олдини олишга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* кўзни химоя қилувчи шахсий химоя воситаси бўлган поликарбонат линзали очик типдаги химоя кўзойнақдан фойдаланиш асосида шох пардани ёт жисм билан механик шикастланишлари юзага келмаган ва тиббиёт муассасаларида ушбу касалликни ташхислаш, даволаш ва назорат қилиш харажатлари бўлмаган. Шох пардани ёт жисм билан механик шикастланишларини бир марталик тўлиқ ташхислаш харажатлари бир нафар беморга ўртача 253300 сўмни ташкил қилган. Даволаш ва беморни кузатиш харажатлари 773400 сўм. Кўзни химоя қилувчи шахсий химоя воситаси бўлган поликарбонат линзали очик типдаги химоя кўзойнақдан фойдаланиш бу харажатларни тўлиқ йўқотиши мумкин бўлган. *Хулоса:* шох пардани ёт жисм билан механик шикастланишини олдини олишда кўзни химоя қилувчи шахсий химоя воситаси бўлган поликарбонат линзали очик типдаги химоя кўзойнақдан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш шуни кўрсатганки,

химоя кўзойнаклардан фойдаланиш кўрув аъзоси шикастланишларини бирламчи профилактикаси мезонларидан бири ҳисобланган;

учинчи илмий янгилик: шох пардани тешиб ўтмаган жароҳатнинг иккиламчи профилактикасида кўз биомикроскопияси ва оптик когерент томография усулларининг натижа кўрсаткичлари қиёсий таққосланган, жароҳатларни ташхислашдаги сезувчанлиги ва ўзига ҳослиги олдинги сегмент оптик когерент томография усулини юқори самарадорлигини исботлаган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур натижалар «Шох парданинг постравматик эрозиясини даволаш ва пофилактика алгоритми» (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан тасдиқланди, 03н-р/33-сон, 30.03.2024 й.) ва «Кўзнинг олдинги қисми жароҳатларини ташхислаш ва мониторинг қилишда оптик когерент томографиянинг роли» (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан тасдиқланди, 03н-р/34-сон, 30.03.2024 й.) номли услубий тавсияномалар таркибига киритилган. *Жорий этилиши:* амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (буйруқ №31-У, 01.04.2024 й.) ва Хоразм филиали (буйруқ №69-І, 01.06.2024 й.) амалиётга жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* олдинги сегмент оптик когерент томографиядан шох пардани ёт жисм билан шикастланишларини ташхислашда фойдаланиш касалликни эрта босқичларида аниқ ва тезкор аниқлашни, шунингдек, ўз вақтида керакли даво чораларини кўриш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* кўрув аъзоси жароҳатлари иккиламчи профилактикасида олдинги сегмент оптик когерент томография усулини қўллаш шох парданинг механик шикастланишларини ташхислаш тизимини такомиллаштириш имконини берган, бу ташхислаш тизими давлатга шох парда ёт жисми билан беморларни даволаш билан боғлиқ харажатларни ва ногиронлик ҳолатларини сезиларли даражада камайтириш имконини берган. *Хулоса:* шох пардани ёт жисм билан шикастланишларини ташхислашда олдинги сегмент оптик когерент томография усулидан фойдаланиш шуни кўрсатганки, усул ёт жисмнинг мавжудлиги, жойлашуви ҳамда ўлчамларини аниқлаштириш, реал вақтда ёндош тўқималарнинг ҳолатини баҳолаш имконини бериб, сезувчанлиги – 98,2% ни, спецификлиги – 99,0% ни ташкил қилган;

тўртинчи илмий янгилик: шох пардани тешиб ўтмаган ёт жисмли жароҳатнинг учламчи профилактикасида магнитотерапия усулининг анъанавий даволашга қўшилиши шох пардадаги яраларнинг эпителизация вақтини қисқартириши, яллиғланишнинг тез бартараф этилиши туфайли кўриш ўткирлигининг яхшиланиши аниқланган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: мазкур натижалар «Шох парданинг постравматик эрозиясини даволаш ва пофилактика алгоритми» (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан тасдиқланди, 03н-р/33-сон,

30.03.2024 й.) ва «Кўзнинг олдинги қисми жароҳатларини ташхислаш ва мониторинг қилишда оптик когерент томографиянинг роли» (Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази қошидаги Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан тасдиқланди, 03н-р/34-сон, 30.03.2024 й.) номли услубий тавсияномалар таркибига киритилган. *Жорий этилиши:* амалий соғлиқни сақлаш тизимига, шу жумладан, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (буйруқ №31-У, 01.04.2024 й.) ва Хоразм филиали (буйруқ №69-І, 01.06.2024 й.) амалиётига жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* жароҳатдан кейинги кератит ва шох парда ярасини самарали даволаш беморларда келиб чиқадиган асоратлар миқдорини камайтириш ва вақтинчалик ишга лаёқатсизлик муддати давомийлигини қисқартириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* бу комплекс даволаш давлатга жароҳатдан кейинги кератит ва шох парда яраси билан оғриган беморларни даволаш харажатларини сезиларли даражада камайтириш ва келажакда ногиронлик ҳолатларини олдини олиш имконини берган. Даволаш ва беморни кузатиш харажатлари ўртача 1768400 сўмни ташкил қилган. Беморларни комплекс даволаш усулини жорий этиш бу харажатларни 26-30% га камайтириши мумкин бўлган. *Хулоса:* шох парданинг жароҳатдан кейинги касалликлари учламчи профилактикасида анъанавий консерватив даволашга қўшимча паст частотали магнит майдони билан магнитотерапиядан фойдаланиш ижобий терапевтик таъсир кўрсатиб, кўзнинг клиник ва функционал кўрсаткичларини яхшилаб, асоратларни олдини олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 9 та мақола, улардан 7 таси республика ва 2 таси халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, тадқиқотнинг асосий натижалари апробацияси ва эълон қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кўрув аъзоси жароҳатларининг таснифи, клиник тузилиши, уларни олдини олиш ва даволашнинг долзарб муаммолари»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар шарҳи ўз аксини топган, унда кўрув аъзоси жароҳатлари муаммосининг ҳозирги кундаги ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Кўрув аъзоси жароҳатларининг умумий клиник тавсифи, эпидемиологияси ва патогенези, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, асосий клиник шакллари, уларни замонавий ташхислаш усуллари ҳамда даволашга бағишланган адабиёт манбаларининг кенгайтирилган кўриниши берилган, таҳлил қилинган материаллар умумлаштирилиб, хулосалар берилган.

Диссертациянинг **«Кўрув аъзоси жароҳатларининг таснифи, клиник тузилиши, уларни олдини олиш ва даволаш, материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тақиқот материали ва қўлланилган текширув усуллари келтирилган, у клиник материалларнинг умумий тавсифини ва тадқиқотнинг клиник, офтальмологик, махсус ва статистик услубларни ўз ичига олади. Илмий тадқиқот иши олдига қўйилган вазифаларни бажариш учун 2018 йилдан 2023 йилгача Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида 18 ёшдан 73 ёшгача бўлган 675 нафар (696 та кўз) шох пардани ёт жисм билан шикастланиши мавжуд бўлган беморлар жалб қилинган, уларда текширув ва даволаш муолажалари олиб борилган. Тадқиқот иши беш босқичда олиб борилиб, дастлабки учта босқичда кўрув аъзоси жароҳатларининг бирламчи профилактикасига асосий эътибор берилган (1-расмга қаранг).

Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўз касалликларига мўлжалланган даволаш-профилактика муассасаларининг йиллик ҳисоботлари маълумотларини ретроспектив таҳлил қилиш орқали кўрув аъзоси жароҳатининг умумий ҳолати ўрганилган ва энг кўп учраган шакли тадқиқот учун танлаб олинган. Иккинчи босқичда Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида кўз олмасининг механик жароҳатлари билан стационар даво муолажалари олганларнинг энг кўп қисмини ташкил этган шох пардани тешиб ўтмаган жароҳати ташхиси қўйилган беморлар ёши, жинси, шикастланиш механизми, намоён бўлиш вақти, травматик жараённинг оғирлиги ва оқибати каби мезонлар бўйича таҳлил қилинган. Учинчи босқичда шох пардани ёт жисмдан шикастланишини бирламчи профилактикаси мақсадида беморларнинг кўзни ҳимоя қилувчи шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш даражаси ва уларнинг тадқиқи таҳлил қилинган. Тўртинчи босқичда кўрув аъзоси жароҳатларини иккиламчи профилактикаси мақсадида шох пардани ёт жисм билан жароҳатларида ташхислаш усуллари оптималлаштириш натижалари таҳлил қилинган. Бешинчи босқичда кўрув аъзоси жароҳатларини учламчи профилактикаси орқали турли асоратлар пайдо бўлишини камайтириш ва

олдини олиш учун шох парданинг жароҳатдан кейинги яраларини даволашга магнитотерапия усули тадқиқ қилинган ва даволаш натижалари баҳоланган.



1-расм. Тадқиқот лойиҳаси.

Жароҳат олгандан кейин шифохонага мурожаат қилишгача ўтган муддат 2 кун ва ундан кўп бўлиб шох парда қаватларида ёт жисм жойлашган, травматик яра ва инфильтрат мавжуд 80 нафар беморлар (84 та кўз) 2 та гуруҳга бўлиниб, асосий гуруҳдаги 40 нафар беморларда (42 та кўз) анъанавий текшириш ва даволаш муолажаларига қўшимча олдинги сегмент оптик когерент томография усулида текшириш, ҳамда стандарт асосида анъанавий усулда даволашга қўшимча паст частотали магнит майдони ёрдамида магнитотерапиядан фойдаланилган. Паст частотали магнит майдони ёрдамида магнитотерапия Россия Федерациясининг “Елатомский приборный завод” фабрикасида ишлаб чиқарилган “Офтальмаг” аппаратида амалга оширилган, бунда индуктор орбита соҳасига симметрик равишда контактсиз жойлаштирилган, индукция 6 мТл, частота 2 Гц, таъсир қилиш режими – узлуксиз бўлган. Даволаш курси ҳар куни 20 минут давом этадиган 10 та сеансдан ташкил топган. Назорат гуруҳидаги 40 нафар беморларда (42 та кўз) эса стандарт асосида анъанавий усулда текшириш ва даволаш муолажалари қўлланилган. Ҳар бир беморда ёт жисм жойлашган квадрант ва меридиан, ўлчамлари ва унинг жойлашган чуқурлиги, шох парда шиши, инфильтрат ва яранинг ҳолати аниқланган. Ушбу беморларни ёши бўйича

тақсимлаганда жароҳатларнинг энг юқори учраш даражаси меҳнатга лаёқатли ёшдагиларга тўғри келиши аниқланган, 19 ёшдан 40 ёшгача беморлар бўлиб, 86,25% ни (n=69) ташкил этган (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Беморларнинг ёши бўйича тақсимланиши

Гуруҳ Ёш	Асосий гуруҳ		Назорат гуруҳ		Беморлар/кўзлар сони
	абс.	%	абс.	%	
20 ёшгача	1/1	2,5	1/1	2,5	2/2
21-30	19/21	47,5	22/24	55,0	41/45
31-40	13/13	32,5	13/13	32,5	26/26
41-50	4/4	10,0	2/2	5,0	6/6
50 ёшдан катта	3/3	7,5	2/2	5,0	5/5
Жами	40/42	100	40/42	100	80/84

Диссертация ишини бажариш жараёнида анъанавий, замонавий офтальмологик, тиббий-ижтимоий, статистик усуллардан фойдаланилган. Стандарт текширув усулларида беморлар шикоятларини сўраш, сўраб-суриштириш йўли билан анамнез маълумотларини йиғиш, ҳамда касаллик давомийлиги, бемор эхтимоли бўйича касалликка сабаб бўлган факторлар, клиникага келгунга қадар олиб борилган муолажалар, ҳамроҳ касалликлар ҳақида маълумот, оилавий анамнез йиғилган, кўздан кечириш, визометрия, офтальмоскопия, биомикроскопия, рефрактометрия, тонометрия, ультратовушли А-В сканерлаш ўтказилган.

Тиббий-ижтимоий текширув учун чуқурлашган таҳлил усулидан фойдаланилган. У беморларнинг касби, қандай иш билан шуғулланишда кўзининг жароҳат олганлиги ва унинг вақти, жароҳат олгандан кейин тез тиббий ёрдамга мурожаатгача ўтган муддат, ушбу мурожаатнинг биринчи марта ёки қайта эканлиги, кўзни ҳимоя қилувчи шахсий ҳимоя воситаларининг мавжуд ёки йўқлиги ва улардан фойдаланиш даражаси, ушбу воситаларнинг камчиликлари ва ноқулайлик томонларини ўрганишдан иборат бўлган. Кўзнинг олдинги қисми оптик когерент томографияси, зарур ҳолларда иккита проекцияда орбита ва бурун ён бўшлиқларининг рентгенографияси, орбита ва бурун ён бўшлиқларининг компьютер томографияси каби махсус текширувлардан фойдаланилган. Олдинги сегмент оптик когерент томографияси AS-OCT Huvitz OCT (НОСТ-1F HUVITZ Co., Лтд. Жанубий Корея) қурилмасида адаптер ёрдамида амалга оширилган.

Шох парданинг жароҳатдан кейинги яраси мавжуд иккита гуруҳ беморларда даволаш олиб борилган, назорат гуруҳида стандарт асосида анъанавий усулда маҳаллий антисептик, антибактериал, кератопротектор, антибиотик дори воситалари ва мидриатиклар ёрдамида, асосий гуруҳда стандарт асосида анъанавий усулга қўшимча паст частотали магнит майдони

ёрдамида магнитотерапия усулида даволаш амалга оширилган. Паст частотали магнит майдони ёрдамида магнитотерапияда Россия Федерациясининг “Елатомский приборный завод” фабрикасида ишлаб чиқарилган “Офтальмаг” аппаратидан фойдаланилган.

Олинган маълумотларга Microsoft Excel 2022 дастури ёрдамида статистик ишлов берилиб, мутлақ ва нисбий кўрсаткичлар (n, %), ўртача арифметик миқдор (M), ўртача миқдор хатоси (m), стандарт оғиш (σ), ишончлилик мезони (p) аниқланган. Параметрлар ўртасидаги корреляция Пирсон усули ёрдамида амалга оширилган. Статистик аҳамиятли натижа сифатида $P < 0,05$ кўрсаткич қабул қилинган.

Диссертациянинг «**Кўрув аъзоси жароҳатларининг умумий тузилишини ўрганиш ва клиник натижалар таҳлили**» деб номланган учинчи бобида 2020-2023 йиллар давомидаги Ўзбекистон Республикасидаги кўрув аъзоси жароҳатларини батафсил таҳлил қилиш натижаларига кўра, кўз ва кўз косаси жароҳати билан бирламчи касалланишнинг тарқалиши ва тузилиши кўрсаткичлари таҳлили келтирилган (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кўз касалликлари билан бирламчи касалланиш ҳолатлари динамикаси


Касаллик номи		Йиллар				
		2020	2021	2022	2023	Жами
		Биринчи марта ташхис аниқланганлар				
Кўз ва унинг ёндош аъзолари касалликлари	абс.	620070	969079	1146907	1025768	3761824
	нис.	16,48%	25,76%	30,49%	27,27%	100%
Кўз ва кўз косаси жароҳати	абс.	58406	82827	114946	76362	332541
	нис.	9,42%	8,55%	10,02%	7,44%	8,84%
Конъюнктива жароҳати, шох парданинг шилиниши ва уларнинг ёт жисми	абс.	48967	67515	86364	61579	264425
	нис.	7,90%	6,97%	7,53%	6,00%	7,03%

Изоҳ: ЎзРССВ нинг 2020-2023 йиллар статистика тўплами

2-жадвалда келтирилган кўрсаткичлар таҳлиliga кўра, ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикасида кўз ва унинг ёндош аъзолари касалликлари билан бирламчи касалланиш ҳолатларининг 8,84% ини кўз ва кўз косаси жароҳати ташкил этди, ушбу жароҳатларнинг энг кўп улуши, яъни 79,52% ини конъюнктива жароҳати ҳамда шох парданинг шилиниши ва уларнинг ёт жисми билан беморлар ташкил этган. Республикадаги кўз касалликларига ихтисослашган шифохоналарда кўз ва унинг ёндош аъзолари касалликлари билан стационар даво муолажалари олганларнинг ўртача 10,52% и кўз ва кўз косаси жароҳати билан беморлар бўлган.

Кўрув аъзоси жароҳатлари механизмини чуқур таҳлил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги

Республика кўз касалликлари клиник шифохонасида кўзнинг механик жароҳатлари билан 9015 нафар беморнинг 1631 нафари (18,1%) стационар давога муҳтож деб топилган. Кўзнинг механик жароҳатларини халқаро ВЕТТ (Birmingham Eye Trauma Terminology, 1997) таснифига мувофиқ, уларнинг 83,9% ида ёпиқ, 16,1% ида очик жароҳатлар қайд этилган. Стационар даволанганларнинг 59,7% ини ташкил этган кўз олмасини тешиб ўтмаган ёт жисм билан жароҳатланган 974 нафар беморнинг шикастланиш соҳалари бўйича тақсимооти шуни кўрсатганки, 595 нафарида (61,09%) шох парда, 186 нафарида (19,10%) конъюнктива, 144 нафарида (14,78%) қовоқ ва 49 нафарида (5,03%) склера ёт жисми аниқланган (2-расмга қаранг).



2-расм. Халқаро ВЕТТ таснифига кўра кўзнинг механик жароҳатлари структураси.

Кўзнинг оптик тизими зарарланиб кўриш функцияларига бевосита салбий таъсир этувчи ва энг кўп учраган шох пардани тешиб ўтмаган ёт жисм билан жароҳатли 595 нафар беморни (612 та кўз) текшириш ва даволаш натижалари чуқур таҳлил қилинган. Энг кўп жароҳат олганлар 19 ёшдан 40 ёшгача беморлар бўлиб, шох пардани тешиб ўтмаган жароҳатлари барча ҳолатларининг 64,87% ини ташкил этган, энг паст учраш даражаси мос равишда 19 ёшгача бўлганлар – 10 (1,68%) ҳамда 60 ёш ва ундан катталар – 26 (4,37%) гуруҳларида қайд этилган, беморларнинг ўртача ёши $35,30 \pm 0,52$ ни ташкил этган. Бу аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги қисмида кўз жароҳатлари устун эканлигини кўрсатиб, кўз шикастланиши муаммосининг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятини акс эттирган.

Бевосита кўрув аъзоси шикастланишига олиб келган сабабларни ўрганилганда кўп ҳолларда маиший турмуш (67,9%), саноат-ишлаб чиқариш (15,6%), қишлоқ хўжалиги (9,1%) ва транспортда (7,4%) жабрланишлар аниқланган. Маиший турмушдаги жароҳатларда турли хил жисмлардан (металл парчаси, тош, ёғоч, шиша, турли хил предметларнинг бўлаклари) шикастланиш кузатилган, 379 нафар беморда (63,70%) бурчакни силлиқлаш машинасини (болгарка) ишлатаётганда металл қириндисининг учиб келиб шох пардага кириши жароҳатга сабаб бўлган. Ушбу беморларда бундай жароҳатга олиб келган омиллар борасида таҳлил ўтказилиб, кўзни ҳимоя

килувчи шахсий ҳимоя воситаси ҳисобланган кўзойнақлардан фойдаланиш даражаси ҳамда унинг камчиликлари таҳлил қилинган.

Таҳлил натижаларига кўра, беморларнинг 15,83% и бурчакни силлиқлаш машинасини ишлатаётганда ҳимоя кўзойнақларидан фойдаланмаслиги, кўзойнақдан доимо фойдаланиш кўрсаткичи атиги 22,16% эканлиги аниқланган. Ҳимоя кўзойнақлардан фойдаланишнинг ноқулайлик томонларини ўрганилганда иш жараёнида кўзойнақ ойнасининг терлаб кетиши ҳамда унинг тез қирлиши, тирналиб кетиши, бу ўз навбатида иш майдонининг тўлиқ кўринмаслигига ва самарадорликнинг пасайишига олиб келиши кузатилган. Бурчакни силлиқлаш машинасини ишлатишда шох пардани тешиб ўтмаган ёт жисм билан жароҳатларини учраши ва ҳимоя кўзойнақларидан фойдаланиш даражаси ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик исботланган, яъни кўзга ёт жисм тушиш ҳолати кузатилмаган.

Диссертациянинг бу бобида беморларда кўрув аъзосидаги шикастланиш жараёнининг оғирлиги В.В.Волков (2003) таснифи бўйича кўриш ўткирлиги бузилишларига қараб баҳоланганда жароҳатдан кейин даволангунча узок муддат ўтганлигидан оғир ва ўта оғир кўз шикастланишлари 8,99% ни ташкил этган (3-жадвалга қаранг). Бу таснифга кўра кўрув аъзоси жароҳатининг 4 та даражаси келтирилган: 1-даража (енгил) – кўриш ўткирлиги 0,2 ва ундан юқори, 2-даража (ўрта) – 0,1-0,03, 3-даража (оғир) – 0,02-1/∞/pr.l.certa ва 4-даража (ўта оғир) – 1/∞/pr.l.incerta-0 (ноль).

3-жадвал

Беморлар кўриш ўткирлигининг динамикаси

Кўриш ўткирлиги	Келганда		Чиқиб кетаётганда	
	абс.	нис.	абс.	нис.
1/∞/pr.l.incerta	19	3,11%	13	2,12%
1/∞/pr.l.certa-0,02	36	5,88%	26	4,25%
0,03-0,1	100	16,34%	35	5,72%
0,2-0,4	120	19,61%	47	7,68%
0,5-0,7	142	23,20%	82	13,40%
0,8-1,0	195	31,86%	409	66,83%
Жами	612	100%	612	100%

Беморларнинг 72,60% ида жароҳат олган пайтдан бошлаб даволанишга муурожаат қилгунча ўтган вақт 2 кун ва ундан ортиқ муддатни ташкил этиб, шох пардадаги ёт жисмнинг атрофида яра жараёни юзага келиши, шох парда тўқималарида яллиғланишга ҳос ўзгаришларнинг кучайиши ҳамда бунинг натижасида кўриш ўткирлигининг сезиларли даражада пасайиб кетиши кузатилган. Натижада қабулдаги кўриш функциялари даражасини текширилганда беморларнинг 25,33% ида кўриш ўткирлиги 0,1 ва ундан паст эканлиги аниқланган, чиқиб кетаётганда 12,09% ни ташкил этган.

Олинган таҳлил натижаларидан Ўзбекистон Республикасида кўрув аъзоси жароҳатлари муаммоси ҳозиргача долзарб эканлиги, шох парданинг

бурчакни силлиқлаш машинасини ишлатишда металл қириндисидан жароҳат олиш даражасининг юқорилиги меҳнат муҳофазасига риоя қилмаслик ҳамда кўзни химоя қилувчи шахсий химоя воситаларидан фойдаланишдаги паст кўрсаткичлар билан боғлиқлиги, унинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикалари борасида ишлар олиб бориш лозимлиги, муаммонинг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти исботланган.

Диссертациянинг «**Шох парданинг жароҳатларини замонавий ташхислаш асослари, олдини олиш ва даволашга комплекс ёндашув**» деб номланган тўртинчи бобда кўрув аъзоси жароҳатларининг бирламчи, иккиламчи ва учламчи тиббий профилактикасига оид натижалар таҳлили келтирилган.

Шох пардани тешиб ўтмаган жароҳатларнинг бирламчи профилактикаси мақсадида шох пардага ёт жисмлар тушишининг олдини олиш учун шахсий химоя воситаларидан фойдаланишнинг турли кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали 3 хилдаги химоя кўзойнақлардан энг самаралиси аниқланган. Дастлаб очик типдаги, шаффоф рангли, туманланиш ва қирилишга қарши икки томонлама қопламага эга, нархлари бир-бирига жуда яқин, линза материали пластик бўлган 1-тип, поликарбонат – 2-тип, органик шиша, яъни полиметилметакрилат –3-тип химоя кўзойнақлар тадқиқот учун танланган (3-расмга қаранг).



1-тип

2-тип

3-тип

3-расм. Очик типдаги 3 хил химоя кўзойнақлар.

Кўзойнақларни иш жараёнида ишлатиш ҳамда фойдаланиш натижаларини ўрганиш учун шахсий химоя воситаларидан жуда кам фойдаланган ёки фойдаланмайдиган, лекин ҳар куни бурчак силлиқлаш машинаси билан ишлаш мобайнида кўзойнакка зарурат сезадиган 60 нафар кўнгили (120 та кўз) ихтиёрий равишда танлаб олиниб, ҳар бир типдаги химоя кўзойнақдан 20 нафардан кўнгилига (40 та кўз) берилган. Химоя кўзойнақдан фойдаланишнинг 1, 5, 10, 20 ва 30-кунларида уларнинг кўриш ўткирлиги, химоя кўзойнақ билан кўриш ўткирлиги, кўзойнақ линзасининг қирилиши ва унинг ишлатишга ноқулай ҳолга келиш муддати кўрсаткичлари ўрганилган. Тадқиқотнинг биринчи кунда уларнинг кўзойнаксиз кўриш ўткирлиги ўртача $0,99 \pm 0,008$ ни ташкил этган. Химоя кўзойнақ билан кўриш ўткирлиги текширилганда, 1-тип химоя кўзойнақда 1-кунда 7,07% га, 5-кунда 19,2% га, 10-кунда 31,3% га, 20-кунда 42,4% га ва 30-кунда 54,5% га пасайганлиги, 2-тип химоя кўзойнақда эса фақатгина 10-кунга келиб 5,1% га, 20-кунда 9,2% га ва 30-кунда 19,4% га пасайиши, 3-тип химоя кўзойнақда эса

1-кунда 4,04% га, 5-кунда 9,1% га, 10-кунда 18,2% га, 20-кунда 29,3% га ва 30-кунда 42,4% га пасайганлиги аниқланган (4-жадвалга қаранг).

4-жадвал

Ҳимоя кўзойнак билан кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари таҳлили

Текширув кун	Кўриш ўткирлиги			
	Ҳимоя кўзойнак-сиз (M±m)	Ҳимоя кўзойнак билан		
		1-тип (M±m)	2-тип (M±m)	3-тип (M±m)
1-кун	0,99±0,008	0,92±0,009	0,98±0,009 ^{^^^°}	0,95±0,011 [^]
5-кун	0,99±0,008	0,80±0,011 ^{***}	0,96±0,011 ^{***^^^°°°}	0,90±0,005 ^{***^^^}
10-кун	0,99±0,008	0,68±0,009 ^{***}	0,93±0,010 ^{***^^^°°°}	0,81±0,005 ^{***^^^}
20-кун	0,99±0,008	0,57±0,011 ^{***}	0,89±0,007 ^{***^^^°°°}	0,70±0,011 ^{***^^^}
30-кун	0,99±0,008	0,45±0,011 ^{***}	0,79±0,007 ^{***^^^°°°}	0,57±0,010 ^{***^^^}

Изоҳ: * – фарқлар 1-кун кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (** – p≤0,001);
[^] – фарқлар 1-тип гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ([^] – p≤0,05, ^{^^^} – p≤0,001);
[°] – фарқлар 3-тип гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ([°] – p≤0,05, ^{°°°} – p≤0,001).


1-тип ҳимоя кўзойнакда тадқиқотнинг 5-кунида кўзойнак линзасининг қирилиши ва 10-кунда унинг ишлатишга ноқулай ҳолга келиши, 2-тип ҳимоя кўзойнакда эса 20-кунга келибгина кўзойнак линзасининг қирилиши, 3-тип ҳимоя кўзойнак эса мос равишда 10- ва 20-кунларда юзага келиши кузатишган. Таҳлил натижаларидан 2-типдаги ҳимоя кўзойнак тадқиқотимиздаги бошқа ҳимоя кўзойнакларига нисбатан кўриш ўткирлигини пасайтирмаслиги, линзаси қирилишининг 10-15 кун кечроқ кузатилиши ҳамда ишлатишга ноқулай яроқсиз ҳолатга келиб қолиш муддатининг узоклиги жиҳатидан устун деб топилган.

Ҳимоя кўзойнакдан фойдаланиш ҳамда кўзга ёт жисм тушиши ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланган, шу сабабли шох пардага ёт жисмлар тушишининг олдини олиш, яъни шох пардани тешиб ўтмаган жароҳатларни бирламчи профилактикасида линза материали поликарбонат бўлган ҳимоя кўзойнакдан фойдаланиш тавсия этилган.

Кўрув аъзоси жароҳатларининг иккиламчи профилактикаси, яъни жароҳатларни эрта аниқлаш ҳамда уни ривожланишининг олдини олиш мақсадида ташхислаш усулларини оптималлаштириш учун шох парда қаватларида ёт жисм мавжуд, жароҳат олгандан кейин шифохонага мурожаат қилишгача 2 кун ва ундан ортиқ муддат ўтган 19 ёшдан 55 ёшгача бўлган 80 нафар беморларда (84 та кўз) текширувлар қилинган. Жароҳатдан кейин узок муддат ўтганлиги ҳисобига беморларда шох парданинг жароҳатдан кейинги яраси кузатишган. Беморларда стандарт анъанавий текширув усулларидан объектив кўрик, визометрия ва бошқа зарур текширувлар бажарилган, касалликнинг биринчи белгиларини, шикастланишнинг табиати ва вақтини, шох парда жароҳатига олиб келган ҳолат ва ёт жисмнинг тахминий турини, ёндош ва ҳамроҳ касалликларни аниқлаш учун касаллик анамнези батафсил ўрганилган. Жароҳатдан кейин тиббий ёрдамга мурожаат вақтигача ўтган

муддат ўртача $83,5 \pm 2,6$ соатни ташкил қилган, ёт жисм 43 та кўзда шох парданинг оптик соҳасида, 41 та кўзда эса параоптик соҳасида жойлашганлиги аниқланган, 64 та ҳолатда ёт жисм йирингли экссудат билан ўралган бўлиб, металл парчага характерли металлоз (сидероз) белгилари ва шох пардадаги ўзгаришлар кузатишган.

